

ИНСОННИ САЛОМАТЛИГИГА АКСИОЛОГИК ЁНДОШУВ

Жуманова Гавхарой Имомовна

Тошкент педиатрия тиббиёт институти. Ўзбекистон, Тошкент ш.

Аннотация: Республикамизда соғлом авлод масаласи давлатимиз сиёсатида устивор вазифалардан бири ҳисобланади. Замонавий аксеология илмий билимларни маданий ташкиллаштириш тузилмасида энг юқори ўринни эгаллайди. Шу туфайли алоҳида инсон саломатлигини сақлашда ва муҳофаза қилишда аксеологик ёндошув ва кўрсатмалар устивор аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: маънавий-ахлоқий тафаккур, тиббиётни ижтимоийлаштириш, шифокорлар маънавияти, тиббий маданият, антропа – социологик.

АКСИОЛОГИЧЕСКИЙ ПОДХОД ЗДОРОВЬЯ ЧЕЛОВЕКА

Жуманова Гавхарой Имомовна

Ташкентский педиатрический медицинский институт. Узбекистан, г. Ташкент.

Аннотация: Вопрос здорового поколения в нашей стране является одной из важнейших задач в политике правительства. Современная аксеология играет высшую роль в культурной организации научного знания. Поэтому ускоренные подходы и руководящие принципы будут играть важную роль в поддержании и защите индивидуального здоровья человека.

Ключевые слова: духовно-нравственное мышление, социализация медицины, высокая духовность врачей, врачебная культура, антропосоциологизм.

AXIOLOGICAL ATTITUDE TOWARDS HUMAN HEALTH

Jumanova Gavharoy Imomovna

Tashkent Pediatric Medical Institute. Uzbekistan, Tashkent.

Abstract. The issue of a healthy generation in our country is one of the most important tasks in the policy of our government. Modern aceology plays the highest role in the cultural organization of scientific knowledge.

Key words: spiritual and moral thinking, socialization of medicine, spirituality of doctors, medical culture, anthroposociology.

КИРИШ

Юртимизда маънавий омиллар устуворлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилмоқда. Бугунги пандемия шароитида бутун ер юзи оғир ва машаққатли синов даврини бошдан кечирмоқда. Турли касалликлар, хатарлардан ҳаётимизни асраш, маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик, руҳан соғлом бўлиш учун энг аввало ўзимизда эзгу туйғулар, кучли ирода, сабр-қаноат орқали бугун жаҳон майдонида юз бераётган турли ҳаёт учун хавфли касалликлар ва иллатларга қарши тура олишимиз жуда ҳам муҳим саналади. Барча инсонларга жумладан; шифокорлар маънавиятига қўйилаётган талабларнинг ошаётгани, бўлажак давлат хизматчилари, ижтимоий соҳалар ходимларининг маънавий-ахлоқий тафаккур савясини ва ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган талаблар билан тавсифланади.

Бугунги кунда тиббиётни ижтимоийлаштириш, инсонийлаштириш, технологиялаштириш ва экологик мослаштириш асосида ривожлантириш етакчи тенденция [5] ҳисобланади. Бу тенденциялар фалсафий жиҳатдан объектив равишда тиббиёт ва гуманитар билимлар ўртасидаги назарий, услубий ва амалий алоқаларнинг сифат жиҳатидан янгича характер касб этишига олиб кемоқда ва айни вақтда тиббиётнинг янги илмий-амалий фалсафаси ва мафкурасини шакллантиришни тақозо этмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев. “Бугун замон ўзгармоқда, одамларнинг талаби ошиб бормоқда. Халқимизнинг тиббий маданияти юксалиб, энг сўнгги усул ва русумларда тиббий хизмат кўрсатилишини истайди. Бизга шу ҳам бўлаверади, деган тушунча энди ўз умрини ўтаб бўлди. Бу барча соҳалар қатори тиббиёт соҳасига ҳам бевосита дахлдор. Шу боис соҳа ходимлари тиббиётнинг энг илғор, замонавий ютуқларини, даволаш усуллариини ўзлаштирмоғи зарур. Эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб ўтириш тараққиёт йўлидаги энг катта ғовдир”, Айниқса, шифокорларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, мавқеини мустаҳкамлаш, уларга ҳурмат-иззат кўрсатиш, муносиб меҳнат шароитини яратиш ва иш ҳақларини ошириш, моддий-маънавий рағбатлантириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Ишнинг мақсади. Инсон саломатлиги унинг дунёқараши билан бевосита боғлиқ бўлиб, шу туфайли инсоннинг ўз саломатлигига қадрият сифатида муносабатда бўлиши зарурлиги туфайли ушбу тушунчанинг мазмунини ва методологик аҳамиятини таҳлил қилиш зарур бўлади.

ҚЎЛЛАНИЛГАН УСУЛЛАР

Дибат ва назарий таҳлил.

Олинган натижалар муҳокамаси. Глобал миқёсда экологик ва маънавий инқирознинг тобора кучайиб боришининг асосий куринишларидан яна бири, инсоният саломатлиги ривожланиш динамикаси тобора салбий йуналиш тусини олмоқда, яъни дунёга келаётган янги авлод йилдан йилга кўпроқ тўғма

нуқсонлар билан дунёга келмоқда, болалар ўлими ушиб бормоқда ва юқумли касалликлар ҳамда замонавий касалликлар (юррак қон томир, қандли диабет, ўсма касалликлари, ОИТС ва ҳ.к.) тобора оммалашмоқда. Шу туфайли саломатлик муаммосига умумиллий, ижтимоий – фалсафий, антропа – социологик ва албатта тиббий – биологик нуқтаи назардан ўрганишга бўлган қизиқиш табиий равишда ортиб бормоқда [6]. Шулардан бири бу инсон саломатлиги масаласидир. Республикамизда соғлом авлод масаласи давлатимиз сиёсатида устивор вазифалардан бири ҳисобланади. Замонавий аксеология илмий билимларни маданий ташкиллаштириш тузилмасида энг юқори ўринни эгаллайди. Шу туфайли алоҳида инсон саломатлигини сақлашда ва муҳофаза қилишда аксеологик ёндошув ва кўрсатмалар устивор аҳамият касб этади. Қадриятларнинг инсон ҳаётидаги асосий роли шундан иборатки унинг ёрдамида инсон ўз саломатлигига онгли равишда мақсадли таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

Муаммонинг долзарблиги шундаки саломатлик муаммосининг қадриятли жиҳатлари мавжуд бўлиб, у фалсафий дунёқараш билан тиббиёт илмини ўзаро бирлашувига хизмат қилади. Бизга маълумки шундай қадриятлар мавжудки улар инсоният тарихий тараққиётининг барча босқичларида ўз аҳамиятини йуқотмайди, аксинча мутлақ аҳамиятга моликдир. Ҳозирги замон фалсафасида инсон саломатлиги масаласи антрополгия нуқтаи назаридан янада чуқур ўрганилмоқда. чунки фан ва техника инқилобининг инсон саломатлигига бўлган негатив таъсири натижасида инсоннинг жисмоний, маънавий ва руҳий ривожланишининг бузилиши натижасида бугунги суъний дунёда инсон ҳаёти учун реал хавф пайдо бўлмоқда. Айниқса Ген инженериясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши асосида, инсоннинг ўзак ҳужайраси устида олиб борилаётган ўта қалтис ва хавфли тажрибалар (клонлаштириш) бунинг ёрқин мисолидир.

Охирги вақтларда психосоматик касалликларнинг купайиб боришига, инсон танаси билан унинг руҳияти, ақли ўртасидаги номуттаносиблик, асосий сабаб бўлмоқда. Инсон борлиғидаги икки ибтидо моддийлик билан маънавийлик ўртасидаги зиддият сунги вақтларда оғир касалликларнинг келтириб чиқармоқда. Замонай инсоннинг ўз табиатига зид бўлган бефойда ҳатти ҳаракатларни (гомосексуализм, фоҳишабозлик педофилия, гиёҳвандлик) содир этиши баъзан онгли, баъзан эса онгсиз равишда ўз антогенезидан оғишига олиб келмоқда [7].

Саломатликга бўлган муносабатнинг бундай умуминсоний салбий йуналиши афсуски бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпди. Бироқ Республикамиз ривожланишининг миллий модели ва унда инсон саломатлигининг давлат сиёсатида устивор сифатида тан олиниши, амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг бирдан бир мақсади “Инсон учун, унинг манфаатлари учун” ўтказилаётганлиги ҳамда халқимизнинг ўз миллий қадриятларига бўлган садоқати ва менталитети туфайли бу жараёнлар ҳали ҳануз бизда хавфли тус олганги йуқ, бироқ бу деган сўз,

ушбу масалада хотиржам бўлишимизга ҳам асос йуқ, чунки бизга маълумки “ёт”, “зарарли ғоялар” ва турмуш тарзи замонавий оммавий ахборот воситалари орқали ҳаётимизга тезда кириб келиши мумкин.

Ушбу долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг бирдан бир тўғри ва самарали йули бу инсоннинг ўзига ва унинг дунёқарашини ўзгартиришга қаратилмоғи керак. Чунки ҳозирда муайян бир жамиятнинг ва алоҳида инсоннинг сифатий кўрсаткичи бу унинг саломатлигидир. Мавжуд салбий шарт – шароитдан чиқиб кетишнинг муваффақиятли йули бу инсон саломатлигини шакллантиришда бир бутун, яхлит, яъни тан билан жон бирлиги, моддий ва маънавий қадриятларнинг ўзвийлиги асосида ёндошув зарур бўлади. Инсон саломатлигининг негатив ривожланиб бориши йуналишидан халос бўлишнинг бирдан бир йули, унга ўз соғлиғини олий қадрият эканлиги ва узоқ, мазмунли эркин ва фаровон ҳаёт кечиришининг гарови эканлигини англатишдан, соғлом турмуш тарзини ҳаётий эътиқодига айлантириш орқалигина эришиш мумкин.

Инсон саломатлиги масаласи шарқда, жумладан Марказий Осиё мутаффақирлари таълимотларида доимо марказий ўрин тутган. Чунки шарқ фалсафасига хос бўлган жиҳат бу маънавийлик (ақл, тафаккур, инсоф, диёнат, шарм, ҳаё ва ҳ.к)нинг моддийлик (мол-дунё, бойлик, нафс ва ҳ.к) дан устиворлиги масаласидир. Бунинг исботини биз қадимги оғзаки ва ёзма ёдгорликларимиздан тортиб, барча диний, дунёвий, илмий ва бадий адабиётимиздан кўришимиз мумкин.

Умуман олганда саломатликни аниқлаш энг қийин илмий – фалсафий масала бўлиб, мезонлари ҳали тўлиқ аниқланмаган ва шу туфайли саломатликга берилган таърифлар ҳанузгача ўзининг мантиқий якунини топмаган. Бу шундан далолат берадики, ҳозирда инсон саломатлиги энг олий қадрият сифатида тан олинган бўлсада, унинг мазмун ва моҳияти тўғрисидаги ижтимоий-фалсафий билимларни ва ижтимоий заминларини бугунги кун воқеълигидан келиб чиқиб аниқлаштириш ва умумлаштириш зарур.

Умуман олганда инсон саломатлиги унинг дунёқараши билан бевосита боғлиқ бўлиб, шу туфайли инсоннинг ўз саломатлигига қадрият сифатида муносабатда бўлиши зарурлиги туфайли ушбу тушунчанинг мазмунини ва методологик аҳамиятини таҳлил қилиш зарур бўлади.

Қадрият деганда биз аввало инсоният маданий ҳаётида умум эътироф этилган шундай мъёрни тушунамизки қайсики унинг ёрдамида инсон ҳати ҳаракатлари ва ҳулқида маълум бир намуна ва стандартларга танлаш асосида амал қилинади. Шахснинг қадриятларга асосланган ривожланиши инсон фаровонлиги ва саломатлигида ҳал қилувчи аҳамиятга касб этади.

Умуман саломатликга, соғлом турмуш тарзига берилган таърифлар жуда кўп бўлиб, улар ушбу тушунчанинг мазмун ва моҳиятининг ҳаддан ортиқ серқирра ва чуқур эканлигидан далолат беради. Шундай таърифлардан бирига асосан; “саломатлик бу инсон организмнинг нафақат касаллик ёки

нуқсонлардан озодлигини. балки унинг тўлиқ жисмоний, руҳий ва ижтимоий туқислигини, фаровонлигини билдиради” [8].

Саломатлик тушунчасига берилган таърифда унинг ахлоқий таркиби борлигини эътироф этилиши, унинг учун ҳам шахсий (соғлом турмуш тарзи) ҳам ижтимоий-жамоавий (ташқи муҳитнинг хавфсизлиги, озиқ – овқатларнинг экологик софлиги, тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи) маъсулиятни оширади. Яъни саломатлик тушунчасини мавҳум ва идеал қадриятлар сафидан соғломлаштиришга хизмат қилувчи амалий ҳатти – ҳаракатлар қаторига ўтказиш имкониятини беради.

Ҳозирда эса республикамізда дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибаси асосида юқори малакали ва сифатли тиббий хизмат тизимини барпо этиш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, жиддий ўзгаришлар, жумладан замонавий тиббий техник ускуналар билан жиҳозланган тиббий марказлар (кардиология, эндокринология, педиатрия, ортопедия ва ҳ.к.)нинг ташкил этилиши ва бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўғини бўлган қишлоқ врачлик пунктларининг (Саломатлик – 1, Саломатлик – 2, давлат Дастурлари асосида) ташкил этилаётганлиги шуни кўрсатмоқдаки, инсон саломатлиги энг олий қадрият эканлиги, уни сақлаш ва мустаҳкамлаш энг аввало ҳар бир инсоннинг ва шу билан бир қаторда албатта давлат ва жамиятнинг ҳам асосий мақсади ва муҳим вазифаси эканлиги ҳаётда ўз тасдиғини топтоқда [9].

Маълумки инсон онги ва тафаккурининг стандартлашуви бу биринчи навбатда оммавий ахборот воситаларига боғлиқ бу уларнинг вазифаси ҳисобланади. Шу туфайли Маслоу такидлайдики “замонталаб инсоннинг” муҳим сифатларидан бири, бу унинг ахборот тайзиқидан озод ва эркин бўлишида, у ўз атрофида кечаётган воқеа ва ҳодисаларга бўлган муносабатида аввало ўзининг мустақил фикрига ва баҳолаш қобилиятига таянмоғи зарур [10].

Давлат ва жамият томонидан қонуний асосда маълум бир чеклашлар, қаршиликлар бўлишига қарамасдан Оммавий ахборот воситалари орқали намоиш этилаётган жангари ва порнофильмлардаги, шафқатсизлик ва зурлашларнинг тарғиб этилиши натижасида маълум бир тоифадаги усмирлар ва ёшлар онги ва руҳиятида муайян бир деструктив иимкониятлар руёбга чиқиб улар руҳиятига кучли салбий таъсир ўтказмоқда. Шу асосда уларнинг мавжуд ижтимоий шарт шароитга тез ва қулай мослашишларига, маънавий соғлом ҳаёт кечиришларига салбий таъсир кўрсатиб, асаб ва руҳий, ҳамда психосоматик касалликларнинг купайишига олиб келмоқда [11].

Юқоридаги фикрларга асосланиб хулоса қилиш зарурки, глобаллашув шароитида аҳолининг саломатлиги масаласига жиддий ва тизимли ёндошмоқ зарур. Фуқороларимизнинг айниқса ёш авлоднинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий ҳаётига қанчалик тез ижтимоийлашуви, улар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш буйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент ш., 2018 йил 7 декабрь, ПФ-5590-сон
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 5 январь куни соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан учрашувда сўзлаган нутқи.
4. Деонтология– грекча deontos – тегишли ва logos – таълимот деган сўзлардан олинган бўлиб, уни фанга инглиз файласуфи И.Бентам (1748 – 1832).
5. Тенденция [нем. Tendenz – йўналмоқ, интилмоқ]. 1. Тараққиёт йўналиши; бирор нарсага қизиқиш, мойиллик, интилиш. 2. Маълум ўй-мулоҳаза, тасвир ёки асарнинг асосий мазмуни.// Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. – Т.:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.65.
6. Капица С.П. Общая теория роста человечества (сколько людей жило, живёт и будет жить на Земле). М.: Наука, 1999. – 136-153 с.
7. Здоровье и физическое состояние населения на рубеже XXI века: Материалы Всероссийской научно-практической конференции / Под общ. ред. П.А. Виноградова. М.: ИС РАН, 1994. С.79-93.
8. Устав (Конституция) Всемирной Организации здравоохранения //Всемирная Организация здравоохранения. Основные документы: 39-е изд. / Пер. с англ. – М.: Медицина, 1995. – 164 с.
9. Маслоу А. Г. Мотивация и личность. – СПб.: Евразия, 1999. 312-319 с.
10. Лисицин Ю.П.,Сахно А.Б. Здоровье человека социальная ценность. Москва, Мысль, 1998, 5-11 с .
11. Шойимова Ш.С. Мутахассис шахсининг касбий камолоти масалалари. Интернаука №19 (195), часть 6, 2021 г. С 19-21.
12. Н.Э.Мухаммадиев “Соғлиқни сақлаш ходимларининг касб этикаси ва эстетикаси маданияти.” Монография, Тошкент: “EFFECT-D”,2022/332 б.Шойимова Ш.С., Шойимова Ш.С. Мулоқот жараёнига характер акцентуацияси типларининг таъсири. Научный журнал "Интернаука". Часть 2
13. № 6 (10), 2017 г. С 50-51.
14. KUILIEV, B. (2021). CHARACTERISTICS OF CONVERGENT POLITICAL MANIPULATION TECHNOLOGIES USED ON THE INTERNET. Вопросы политологии, 11(6), 1783-1790.
15. Мирзаева Н. А., Шойимова Ш. С., Мирзаева Ш. Р. ОСОБЕННОСТИ АКТИВНЫХ МЕТОДОВ ОБУЧЕНИЯ В МЕДИЦИНСКИХ ВУЗАХ // Сборник научных трудов международной онлайн конференции "Наука и

образование: актуальные вопросы, достижения и инновации в медицине", Ташкент, ТашПМИ. – 2021. – Т. 16. – С. 23-27.

16. Мирзаева Н. А., Мирзаева Ш. Р. ХАРАКТЕРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПСИХИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ПОДРОСТКА // Научный аспект. – 2015. – №. 1-2. – С. 157-159.

17. Рустамбаев, М. Х., Мухаммадиев, Н. Е., & Абдухаликов, С. (2019). Миллий гвардия хизматчилари (ходимлари) нинг касб этикаси. Тошкент, Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти.

18. Худайбердиев А. К. Духовно-нравственные факторы охватывают безопасность в условиях глобализации // Молодой ученый. – 2014. – №. 6. – С. 875-879.

19. Худайбердиев А. К., Алимова М. М., Абдуназаров О. А. Значение манипуляции как воздействия информационно-психологической безопасности личности // Научный аспект. – 2015. – №. 1-1. – С. 97-100.

20. Худайбердиев А. К., Одилова Д. Б. Процессы глобальной и информационной базы // Научный аспект. – 2016. – №. 1. – С. 76-79.

21. Худайбердиев А. К. Глобаллашув шароитида Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг ижтимоий-хукукий жиҳатлари // Міжнародний науковий журнал Інтернаука. – 2017. – №. 2 (2). – С. 181-183.

22. Худайбердиев А. К. УЗБЕКИСТАН: ПРОБЛЕМЫ ЗАЩИТЫ МОЛОДЕЖИ ОТ ВРЕДНОЙ ИНФОРМАЦИИ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ (Социально-философский анализ) // Россия и мусульманский мир. – 2019. – №. 3. – С. 36-41.

23. Худайбердиев А. ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА // Eurasian Journal of Academic Research. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 912-918.

24. Rasulovich, T. S., Kurbankulovich, K. A., Jamoliddinovna, K. M., Samadovich, T. K., & Tulkinovich, S. K. (2022). Forms and Characteristics of Virtual Spiritual Threats. Telematique, 7146-7155.

25. Шойимова Ш.С., Исаходжаева С.Д. Касбий – педагогик мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари. Интернаука №7-2 (89), часть 2, 2019 г. С 82-83.

26. Шойимова Ш.С., Усманова С.Х. Касб танлашга таъсир этувчи асосий омиллар. Интернаука №7 (89), часть 2, 2019 г. С 84-85.

27. Шойимова Ш.С., Файзиева М.Д. Меҳнат жараёнида субъектнинг касбий шаклланиш муаммоси. Интернаука №23-4 (105), часть 4, 2019 г. С 48-49.

28. Шойимова Ш.С. Мутахассис шахсининг касбий камолоти масалалари. Интернаука №19 (195), часть 6, 2021 г. С 19-21.

29. Умаров Б.М., Шойимова Ш.С. Касбий психология. Дарслик. «LESSON PRESS» Тошкент, 2018.

30. Шойимова Ш.С. Мутахассис шахсининг касбий камолоти масалалари. Интернаука №19 (195), часть 6, 2021 г. С 19-21.



31. Шойимова Ш.С., Шойимова Ш.С. Бўлажак мутахассисларни психологияга оид билимлар билан қуроллантириш масалалари. Интернаука. Научный журнал № 10(233) Март 2022 г. Часть 5. С 20-22.

32. Абдусатторов, Сарвар Шокирович, Муборак Ахмедовна Ахмедова, and Мухиба Музаффаровна Алимова. "Социальная защита пожилых людей в Узбекистане." Научный аспект 1 (2016): 62-67.

33. Tagayev, Mamarazak A. "ISSUES OF DRINKING WATER SUPPLY IN UZBEKISTAN (1960-1980)." CURRENT RESEARCH JOURNAL OF HISTORY 3.03 (2022): 61-65.

34. Одилова, Д. Б., Умарова, Н. Х., & Хайтматова, Г. А. (2018). ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали, (2).